**Ўзбекистои Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

***5230600 – Молия*** **бакалавриат таълим йўналишииинг малака талаблари**

**Тошкеит**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 137
"6" апрел 20 16 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАИ:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил «6» апрел даги 137 - сонли буйруғи.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

**Т/р** **бет**


**1.** ***5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи....................................................................................... 4**

1.1. Қўлланиш соҳаси ............................................................................ 4

1.2. *5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ................................ 4

**2.** ***5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................... 6**

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар........................................................................................ 6

**3.** ***5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .... 8**

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................................ 8

3.2. *5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ............................................................................ 13

## 1. *5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналишииинг умумий тавсифи

*5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга "бакалавр" малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5230600 – Молия*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2 *5230600 – Молия* бакалавриат таълим таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1 *5230600 – Молия* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши – фан ва иқтисодий соҳадаги таълим йўналиши бўлиб, у давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, касса, ҳисоб-китоб,

ғазначилик иши, бюджетдан молиялаштириш, молиявий назорат, молия бозоридаги операцияларни юритиш, бюджет ташқари фондлар фаолиятини ташкил қилиш, пенсия иши, давлат молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5230600 – Молия* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларнинг объектлари:**

- Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- Молия Вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмлари;
- давлат молиявий ресурсларини бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар;
- молиявий фаолият билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- молиявий назоратни олиб борувчи органлар,
- молиявий назоратни амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари;
- суғурта ва лизинг компаниялари;
- инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот, муассасалар;
- бюджет ташкилотлари;
- Давлат мақсадли жамғармалари;
- Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмлари;
- Марказий банк;
- тижорат банклари;
- жисмоний ва юридик шахсларга кредит хизматларини кўрсатувчи нобанк ташкилотлар;
- пул муомаласи фаолиятини ташкил этувчи соҳа ва тармоқлар;
- касса, ҳисоб-китоб фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар;
- молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари;
- молия бозори инфратузилмасига мансуб профессионал ташкилот, муассасалар;
- молия бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида консалтинг фирмалари;
- хўжалик юритувчи субъектлар;
- корпорация, қўшма корхоналар ва акциядорлик жамиятлари;
- касб-ҳунар коллежлари;
- ва бошқа молиявий-иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхона, ташкилот ва муассасалар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5230600 – Молия* таълим йўналиши бўйича бакалаврларииг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- *республика даражасида молияни бошқариш: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, вазирликлар, давлатнинг мақсадли жамғармалари; агентликлар ва идоралар;*
- *маҳаллий даражада: Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ижро этувчи органлари, бюджетдан ташқари жамғармаларининг минтақавий ижроия дирекциялари;*
- *давлат молиясини назорат қилувчи ва тафтиш органлари назорати;*
- *молия ва пул оқимларини бошқариш, шунингдек, тижорат, нотижорат, молия-кредит ташкилотларида, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, нодавлат ва жамоат ташкилотларида молиявий назорат;*
- *илмий-текшириш ташкилотларида, нодавлат илмий – тадқиқот фондлари ва ташкилотларда, маслаҳат ва инвестиция компаниялари;*
- *корпорациялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари;*
- *суғурта ташкилотлари, кредит муассасалари ва молия бозори билан боғлиқ*

*комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.*

**1.2.3. *5230600 – Молия* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларииинг турлари**

– *Молиявий-иқтисодий фаолияти;*

– *Ҳисоб-таҳлил ва назорат;*

– *Ташкилий-бошқарув фаолияти;*

– *Илмий- тадқиқот;*

– *Педагогик фаолият (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4 Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5230600 – Молия*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5А230601 – Давлат молиясини бошқариш;*

*5А230602 – Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича);*

*5А230603 – Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича;)*

*5А230604 – Халқаро молия* магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

## 2. *5230600 – Молия* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- хорижий тилларни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими учун тайёрланади.

**2.2. *5230600 – Молия* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларнга қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

– маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ваколатли органларида молияни бошқариш, тегишли ҳудудларда бюджетларни шакллантириш, бюджет - солиқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларини билиш;

– Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджет сметаларини, молиявий ва кредит режаларни, йиғма молиявий балансларни, бюджетларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлашга иштирок этиш;

– келгусида молиявий (бюджет) ресурслар(и)нинг ҳажми ва уларни шаклланиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш;

– Ўзбекистон Республикасида молиявий ресурслар баланси, (йиғма молиявий баланси) прогнозини тузиш бўйича ҳисоб - китобларни амалга оширишга қатнашиш;

– турли даражадаги бюджетлар лойиҳасини тузиш бўйича молия органлари фаолиятига қатнашиш;

– мажбурий харажатлар реестри асосида турли шаклдаги бюджет ажратмаларини режалаштириш;

– бюджетлараро трансфетларни ҳисоблаш, шунингдек, бюджетнинг қуйи бўғинларига молиявий ёрдам кўрсатиш усулларини билиш;

– Ўзбекистон Республикаси пенсия фонди ва бошка фондлар бюджет лойиҳаларини тузиш бўйича республика ва ҳудудий даражадаги давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари фаолиятида қатнашиш;

– бюджет ташкилотлари бюджет сметаларини тузиш ва молиявий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;

– зарурий статистик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талаб этилган таҳлилий ҳисобот ёки умумлаштирилган қисқача маълумот шаклида тақдим этиш;

– молиявий-иқтисодий жараёнларнинг тавсифи асосида стандарт шаклдаги, назарий ва эконометрик моделларни яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаб териш;

– бюджетни ижро этишда, бюджет сметаларида бюджет ҳисобини юритиш ва ташкил этиш, халқаро стандартлар асосида бюджет ҳисоботини шакллантириш ва тақдим этиш;

– молиявий (бюджетларни) прогнозлаш ва режалаштириш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

– ички ва ташқи таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий (бюджет) кўрсаткичлар(и)нинг ўзгариш тенденцияларини ва динамикасини таҳлил қилиш, бюджет-солиқ соҳасидаги рискларни баҳолаш;

– молия ва суғурта бозорлари, банк секторининг ривожланиши ва амалий фаолияти тенденцияларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

– солиқ бўйича қарздорликни тартибга солиш йўллари, солиқ маъмурчилиги сифатида солиқ тизими, шунингдек, унинг алоҳида элементлари тўғрисидаги ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

– хорижий ва миллий маълумотлардан фойдаланган ҳолда молия-кредит тизимининг фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;

– тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширилганда молиявий-иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш;

– ҳудудий ва корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, ахборот технологиялари хизмати билан ўзаро боғлиқ бўлган фаолият доирасидаги маълумотларни ҳимоялаш ва қайта ишлаш усулларини хамда дастурий воситаларни билиш;

– потенциал истеъмолчиларни маслаҳат хизмати фаолиятидан фойдаланишга, қизиқтиришга, турли масалаларни маслаҳат учун ажратишга, маълум ҳолатларда экспертизани амалга ошира олиш, умуман, маслаҳат фаолиятига доимо тайёр бўлиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– молия ва сугурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиб, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишга қатнашиш;

– бюджетни ягона ҳисоб орқали бошқаришни, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини, бюджет даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш бўйича молия органларида иш юритиш;

– стратегик масалаларни ҳал қилишда корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш;

– турли тармоқларни, лойиҳаларни, гуруҳдаги (командадаги) ҳамкасбларни, бўлинмаларни, ташкилотларни бошқариш;

– корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш;

– давлат бюджетини кассали ижро этиш ҳисобини, давлат бюджети ягона ҳисобварағи орқали операцияларни бошқаришни, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан ўрнатилган тартибда кассали ижро этишни амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни прогнозлаш, лойиҳасини тузиш ва ижро этиш боскичларида давлатнинг молиявий назорат усуллари ва механизмини билиш;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва молия-бюджет назорати хизмати томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратнинг турли усуллари ва шаклларини тайёрлаш;

– бюджет маблағларини асосий тартибга солувчи, давлат бюджетининг даромадлари ва бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини асосий администратори сифатида молиявий назоратни амалга ошириш ва ташкил этиш бўйича олиб бориладиган фаолиятнинг иштирокчиси бўлиш;

– Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари бўйича назорат ва молия органларининг молиявий назоратини амалга ошириш;

– ижроия ҳокимияти органлари (маҳаллий ҳокимият органлари) томонидан

бюджетни тузиш, ижро этишда ички тартиб ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя қилинишни бўйича назоратни юритиш мақсадида ташкил этилган молиявий назорат ишини олиб бориш;

– бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни ташкил этиш ва тайёрлаш, бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисоботини *тузиш қобилиятига эга бўлиши керак.*

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– тасдиқланган давлат таълим стандартларидан ва ўқув-услубий материаллардан фойдаланган ҳолда умумий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида молиявий-иқтисодий фанлардан таълим бериш;

– таълимнинг инновацион усулларини қўллаган ҳолда молиявий-иқтисодий фанлардан ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотни мақсадли қидириш ва топиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

## 3. *5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5230600 – Молия*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
математик ва табиий-илмий;
умумкасбий;
ихтисослик;
қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика хамда ахборот тўплаш, уларни кайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим;

**Умумкасбий фанлар блоки:**

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур хосил қилиши;

иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши;

меҳнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаши;

жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасавввурга эга бўлиши;

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимидаги институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

иш жойини режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

риск ва ноаниқлиликни бошқариш ёки камайтиришда қарорлар, методлар ва ёндашувлар ишлаб чиқишнинг математик моделлаштириш ва рисклар тадқиқоти мақсадида иқтисодий статистик услубларни қўллай олиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

капитал бозори структураси самарадорлига доирасида фирмалар томонидан инвестицион ва тақсимот қарорларини қабул қилишга доир муаммоларни таҳлил қила олиш;

инсон капиталига киритилган инвестициялар самарасини баҳолаш ва ижтимоий - меҳнат муносабатларини тартибга солиши;

меҳнат бозори конъюктураси ва уиинг ишлаш механизмини аниқлаши, меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаши, иш вақти фондини тузиш ва ундан фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиши;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### 3.2. *5230600-Молия* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| назарий таълим - | 63 - 70%; |
| аттестация - | 8 - 10 %; |
| таътил - | 12 - 16 %; |
| малака амалиёти - | 6 - 12 %; |
| битирув малакавий иши - | 2 - 3%. |

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар | 15 - 20 %; |
| математик ва табиий-илмий фанлар | 10 - 15 %; |
| умумкасбий фанлар | 50 - 55 %; |

| | |
|---|---|
| ихтисослик фанлар | 10 - 15 %; |
| қўшимча фанлар | 5 - 7 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

**Библиографик маълумотлар**

УДК: 002-651.1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

молия, молиявий сиёсат, молия тизими, молиявий назорат, молиявий бошқарув, молиявий режалаштириш, корхоналар молияси, корхоналарда хисоб-китоб тизими, давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, бюджет жараёни, бюджет тизими, бюжетдан ташқари давлат жамғармалари, суғурта, ижтимоий таъминот, давлат кредити, молия бозори, иивестицияларни молиялаштириш, уй хўжаликлари молияси, халқаро молия, халқаро хисоб – китоблар, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, назария.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурпдаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини**
**Ривожлантириш маркази**

**Директор__________проф. Б.Ҳ.Раҳимов**

2016 йил «11» февраль
М.Ў.

**Тошкент молия институти**

**Ректор__________ Б.А.Бегалов**

2016 йил «10» феврал
М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

**Ректор__________проф. М.Р.Болтабоев**

2016 йил «17» феврал
М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**

**Вазир ўринбосари__________М.Мирзаев**

2016 йил «23» феврал
М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги**

**Бошлиқ ўринбосари-Амалиёт бошқармаси бошлиғи__________Ф.Нурмухаммедов**

2016 йил «25» феврал
М.Ў.

**Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармаси**

**Бошқарма бошлиғи__________И.Собиров**

2016 йил «25» феврал
М.Ў.

# Тошкент молия иститутида тайёрланаётган *5230600- Молия* бакалавриат таълим йўналишига қўйилган талаблар

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари |
|---|---|---|---|
| | шифри | номи | |
| 1. | **5230600** | **Молия** | **Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:**<br>- маҳаллий бошқарувининг ваколатли органлари томонидан ҳудудлар молиясини бошқариш, тегишли ҳудудларда бюджетларни шакллантириш, бюджет - солиқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларини билиш;<br>- Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджет сметаларини, молиявий режаларини, йиғма молиявий балансларини, бюджетларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўладиган дастлабки маълумотларни тайёрлашга иштирок этиш;<br>- молиявий (бюджетларни) прогнозлаш мақсадида молиявий (бюджет) кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини (математик моделлаштириш, эконометрик прогнозлаш, эксперт баҳолари, трендлар ва сценарийларни тайёрлаш, стохастик усуллар) қўллаш;<br>- келгусида молиявий (бюджет) ресурслар(и)нинг ҳажми ва уларни шаклланиш манбаларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш;<br>- Ўзбекистон Республикасида молиявий ресурслар баланси, (йиғма молиявий баланси) прогнозини тузиш бўйича ҳисоб - китобларни амалга оширишга қатнашиш;<br>- турли даражадаги бюджетлар лойиҳасини тузиш бўйича молия органлари фаолиятига қатнашиш;<br>- мажбурий харажатлар реестри асосида турли шаклдаги бюджет ажратмаларини режалаштириш;<br>- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларининг солиқ потенциалини ҳисоб китоб қилишга иштирок этиш;<br>- ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;<br>- касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;<br>- зарурий статистик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талаб этилган таҳлилий ҳисобот ёки умумлаштирилган қисқача маълумот шаклида тақдим этиш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - молиявий-иқтисодий жараёнларнинг тавсифи асосида стандарт шаклдаги, назарий ва эконометрик моделларни яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаб бериш;<br>- бюджетлараро трансфетларни ҳисоблаш, шунингдек, бюджетнинг қуйи бўғинларига молиявий ёрдам кўрсатиш усулларини билиш;<br>- Ўзбекистон Республикаси пенсия фонди ва бошқа фондлар бюджет лойиҳаларини тузиш бўйича республика ва ҳудудий даражадаги давлатнинг бюджетдан ташқари фондлари фаолиятида қатнашиш;<br>- бюджет ташкилотлари бюджет сметаларини тузиш ва молиявий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини қўллаш кобилиятига эга бўлишлиги;<br>- бюджетни ижро этишда, бюджет сметаларида бюджет ҳисобини юритиш ва ташкил этиш, халқаро стандартлар асосида бюджет ҳисоботини шакллантириш ва тақдим этиш;<br>- илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;<br>- БМИ мавзуси бўйича маълумотлар тайёрлаш, реферат ва библиографияларни тузиш;<br>- илмий мақола ва тезислар тайёрлаш. |

Тошкент молия институти
Ўқув ишлари бўйича проректор — О.Ортиқов

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги Ғазначилиги бошлиғининг
ўринбосари - Амалиёт бошқармаси бошлиғи — Ф.Нурмухаммедов

Тошкент шаҳар молия бошқармаси — Н.Собиров

Тошкент молия институти томонида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан

**КЕЛИШУВ БАЁНИОМАСИ**

**Тошкент шаҳри** **“17” феврал 2016 йил**

**Қатнашдилар:**

проф.Б.А.Бегалов, проф.М.Р.Болтабаев, проф.Н.Хайдаров, доц.Б.Усманов, проф.А.Каримов, проф. Р.Дўстмуратов, проф.Б.Хасанов, проф.Р.Холбеков, проф.К.Ўразов. проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев, ифд.У.Шарифходжаев, доц.Д.Саидов, доц.Э.Авазов, доц.А.Бердиев, и.ф.н.доц.З.Ниёзов, н.ф.н.доц.Р.Тожиев, и.ф.н.доц.С.Султанова, и.ф.н.М.Маматқулов, доц.А.Махмудов, доц.М.Асқарова, доц.Н.Мажидов, доц.Ш.Файзиев, доц.Л.Зойиров, доц.О.Останакулов, доц.А.Аюбжонов, доц. Ф.Мухаммедов, доц.М.Шоюсупова, доц.Ф.Бабашев, доц.Ғ.Захидов, доц.Қ.Хақбердиев, доц.Х.Шеннаев, доц.К.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц.У.Якубов, доц.Г.Мелибоева, доц.И.Очилов ва бошқалар.

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги “Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида”ги 89-сонли буйруги ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гурухлар томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Э Ш И Т И Л Д И :**

**Проф.Б.А.Бегалов** – Тошкент молия институти ректори

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибаларн, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуктаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт унверситети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Қорақалпоқ давлат университети, Солиқ академияси, Тошкент темир йўл мухандислик институти, Тошкент давлат аграр университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Уларга турдош олий таълим муасссаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар истемолчилари сифатида тақризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

## С Ў З Г А  Ч И Қ Д И Л А Р:

**Проф. М.Р.Болтабаев** – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради, шунингдек малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

**Проф.А.Каримов, проф.Н.Хайдаров, доц.К.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц.Д.Саидов, доц.Ш.Файзиев, проф.Ш.Шохаъзамий** - Тошкент молия иститути ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислоҳотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар. Ушбу малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Япониянинг Кеио Университети профессори Н.Усуда, Англиянинг Бас Университети профессори Иан Крофорд, Лондон Ллойд синдикати профессори Ж.Гришин ва Япониянинг Васеда Университети профессори Т.Китамура ва бошқа чет эл мутахассисларииинг таклифи ва ижобий хулосаси олинди.

Шунингдек, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

**Доц. Б.Усманов** – Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этилади.

| Т/р | Йўналиш ва мутахассислик номи | | Бакалавриат таълим йўналиши | Магистратура мутахассис-ликлари |
|---|---|---|---|---|
| | | | 5-босқич | 5А-босқич |
| 1. | **Мутахассислик:** | Иқтисодиёт *(ижтимоий соҳа бўйича)* | | 5А230102 |
| 2. | **Таълим йўналиши:** | Менежмент *(хизматлар соҳаси)* | 5230200 | |
| 3. | **Мутахассислик:** | Менежмент *(хизматлар соҳаси)* | | 5А230201 |
| 4. | **Таълим йўналиши:** | Молия | 5230600 | |
| 5. | **Мутахассислик:** | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| 6. | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 7. | **Таълим йўналиши:** | Банк иши | 5230700 | |
| 8. | **Мутахассислик:** | Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* | | 5А230701 |
| 9. | **Таълим йўналиши:** | Солиқлар ва соликка тортиш | 5230800 | |
| 10. | **Таълим йўналиши:** | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(тармоқлар бўйича)* | 5230900 | |
| 11. | **Таълим йўналиши:** | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(темир йўл транспорти)* | 5230900 | |
| 12. | **Мутахассислик:** | Бухгалтерия ҳисоби *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230901 |
| 13. | | Бухгалтерия ҳисоби *(темир йўл транспорти)* | | 5А230901 |
| 14. | | Аудит *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230902 |
| | ***Жами: 14та (Бак.: 6 та, Маг.: 8 та)*** | | | |

**ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари вакилларини ҳамда кадрлар истеъмолчиларини жалб этган ҳолда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори меъёрлари, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сон буйруғи ва Вазирлик томонидан тасдиқланган бошқа тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари охирги лойиҳаларини ишлаб чиқишда инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлатишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашиига тақдим этилсин.

**Тошкент молия институти**

**ректор в.б. ____________ О.А.Ортиқов**

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори**

**ректори ____________ М.Р.Болтабаев**

Тошкент молия институтининг *5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5А230604 – Халқаро молия* магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент.шаҳри "25" феврал 2016 й.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари М.Мирзаев ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори О.А.Ортиқов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида"ги 66-сон буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент молия институтида ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан *5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5А230604 – Халқаро молия* магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилган ва ушбу малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари ва таклифлари ўрганилиб чиқилди. Жумладан, "Солбридж бизнес мактаби" (Ж.Корея), "Рицумейкан Осиё-Тинчокеани университети" (Япония), "Сингапур менежментни ривожлантириш институти" (Сингапур), "Сандерленд университети" (Буюк британия) каби ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларининг мутахассисларининг таклифлари инобатга олинган.

2.*5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5А230604 – Халқаро молия* магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Термиз давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3.*5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230601 - Давлат молиясини бошқариш,5А230604 – Халқаро молия* магистратура мутахассисликлари кадрлар истеъмолчиси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мутахассислари ва турдош ОТМлари профессор-ўқитувчиларининг таклифлари *5230600 – Молия* бакалавриат таълим йўналиши, *5А230601 - Давлат молиясини бошқариш, 5А230604 – Халқаро молия* магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири ўринбосари

________________ М.Мирзаев

Тошкент молия институти ўқув
ишлари бўйича проректори

________________ О.А.Ортиқов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларииинг малака талаблари ва ўқув режаларига берилган**

## ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида"ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги "Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида"ги 89-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Малака талабларини ишлаб чиқишда давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, қисқартмалар, йўналишнинг тавсифи, йўналишнинг касбий фаолиятлари тавсифи, бакалавр ва магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, бакалавриат таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари, бакалавр ва магистрларнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар, таълим дастурларининг татбиқ этилиши, ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар, таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари, ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар, кадр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, эслатма, иловалар, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқувчилар, асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари билан келишилганлигини тасдиқловчи мухр ва имзолар ўз ифодасини топган.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради. Ушбу малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Япониянинг Кеио Университети профессори Н.Усуда, Англиянинг Бас Университети профессори Иан Кроуфорд, Лондон Ллойд синдикати профессори Ж.Гришин ва Япониянинг Васеда Университети профессори Т.Китамура ва бошқа

чел эл мутахассисларининг таклифи ва ижобий хулосаси олинди. Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни тайёрланадиган кадрларга етказишга мўлжалланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот Марказида кўриб чиқилди:

| Т/р | Йўналиш ва мутахассислик номи | | Бакалавриат таълим йўналиши | Магистратура мутахассис-ликлари |
|---|---|---|---|---|
| | | | 5-босқич | 5А-босқич |
| 1. | Таълим йўналиши: | Касб таълими *(5230600 - Молия)* | 5111000 | |
| 2. | | Касб таълими *(5230700 – Банк иши)* | 5111000 | |
| 3. | | Касб таълими *(5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)* | 5111000 | |
| 4. | | Касб таълими *(5231200 - Суғурта иши)* | 5111000 | |
| 5. | Мутахассислик: | Иқтисодиёт *(ижтимоий соҳа бўйича)* | | 5А230102 |
| 6. | Таълим йўналиши: | Менежмент *(хизматлар соҳаси)* | 5230200 | |
| 7. | Мутахассислик: | Менежмент *(хизматлар соҳаси)* | | 5А230201 |
| 8. | Таълим йўналиши: | Молия | 5230600 | |
| 9. | Мутахассислик: | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| 10. | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори *(соҳалар бўйича)* | | 5А230602 |
| 11. | | Инвестицияларни бошқариш *(тармоқ ва соҳалар бўйича)* | | 5А230603 |
| 12. | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 13. | Таълим йўналиши: | Банк иши | 5230700 | |
| 14. | Мутахассислик: | Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* | | 5А230701 |
| 15. | Мутахассислик: | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 16. | Таълим йўналиши: | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(тармоқлар бўйича)* | 5230900 | |
| 17. | Таълим йўналиши: | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(темир йўл транспорти)* | 5230900 | |
| 18. | Мутахассислик: | Бухгалтерия ҳисоби *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230901 |
| 19. | | Бухгалтерия ҳисоби *(темир йўл транспорти)* | | 5А230901 |
| 20. | | Аудит *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230902 |
| 21. | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |
| 22. | Таълим йўналиши: | Суғурта иши | 5231200 | |
| 23. | Мутахассислик: | Суғурта иши | | 5А231201 |
| 24. | Таълим йўналиши: | Пенсия иши | 5231300 | |
| 25. | Мутахассислик: | Пенсия иши | | 5А231301 |
| 26. | Таълим йўналиши: | Баҳолаш иши | 5231500 | |
| 27. | Мутахассислик: | Баҳолаш иши ва риелторлик *(объектлар бўйича)* | | 5А231501 |
| 28. | Таълим йўналиши: | Давлат бюджетининг ғазна ижроси | 5232000 | |
| | ***Жами: 28 та (Бак.: 13 та, Маг.: 14 та)*** | | | |

Умуман олганда, таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига ўрнатилган тартибда тасдиқланиши ва амалиётга татбиқ этилишини мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**ТДИУ хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот Маркази директори** **Ш.Р.Ражаббаев**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БИРЛАШМАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИНИНГ "ИҚТИСОД" ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БИРЛАШМАСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

**Тошкент шаҳри** "__3__" __март__ **2016 йил**

**Қатнашдилар: Бирлашма раиси** – проф. М.Р.Болтабаев

**Аъзолари**: доц.Б.Усманов, доц.О.Ортиқов, проф.Н.Хайдаров, проф.Ш.Эргашхўжаева, проф.Б.Хасанов, проф.Н.Йўлдошев, проф.А.Кучаров, проф.А.Жўраев, проф.А.Омонов, доц.Р.Холбеков, доц.Д.Саидов, доц. Б.Бобоев, доц.М.Асқарова, доц.Н.Мажидов, доц.О.Қулжонов, доц.И.Қўзиев, доц.Л.Зойиров, доц.А.Аюбжонов, доц.И.Абдурахмонов, доц.М.Шоюсупова, доц.Қ.Хақбердиев, доц.И.Қўзиев, доц.К.Шарифходжаева, доц.Б.Маматов, доц. У.Якубов, доц.Г.Мелибоева, илмий котиб Ғ.Захидов

**К У Н  Т А Р Т И Б И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида"ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги "Халкаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида"ги 89-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Э Ш И Т И Л Д И :**

**проф.М.Р.Болтабаев** – Ўқув-услубий бирлашма раиси. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таьминлаш мақсадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуктаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб, Таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб

чиқилди. Уларга турдош олий таълим муасссаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар истеъмолчилари сифатида тақризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

**1. Проф. Н.Хайдаров** – Ўқув-услубий бирлашма аъзоси. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуклари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйгунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари меъёр талабларига жавоб беради. Ушбу малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Япониянинг Кеио Университети профессори И.Усуда, Англиянинг Бас Университети профессори Иан Кроуфорд, Лондон Ллойд синдикати профессори Ж.Гришин ва Япониянинг Васеда Университети профессори Т.Китамура ва бошқа чет эл мутахассисларининг таклифи ва ижобий хулосаси олинди.

Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чукур билим ҳамда амалий кўникмаларни тайёрланадиган кадрларга етказишга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

**2. проф. А.Кучаров, проф. А.Жўраев, доц.Б.Маматов, доц.Д.Саидов, доц.И.Қўзиев** - Ўқув-услубий бирлашма аъзолари ҳам сўзга чиқиб, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислоҳотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

**3. Доц. Б.Усманов** – Ўқув-услубий бирлашма аъзоси. Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган. Фан дастурлари ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари инобатга олинган. Шунинг учун муҳокамага қўйилган барча фан дастурларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторига мос равишда

таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини “Иқтисод” ўқув-услубий бирлашмасида кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| **Т/р** | **Йўналиш ва мутахассислик номи** | | **Бакалавриат таълим йўналиши** | **Магистратура мутахассис-ликлари** |
|---|---|---|---|---|
| | | | **5-босқич** | **5А-босқич** |
| 1. | **Таълим йўналиши:** | Касб таълими *(5230600 - Молия)* | 5111000 | |
| 2. | | Касб таълими *(5230700 – Банк иши)* | 5111000 | |
| 3. | | Касб таълими *(5230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит)* | 5111000 | |
| 4. | | Касб таълими *(5231200 - Суғурта иши)* | 5111000 | |
| 5. | **Мутахассислик:** | Иқтисодиёт *(ижтимоий соҳа бўйича)* | | 5А230102 |
| 6. | **Таълим йўналиши:** | Менежмент *(хизматлар соҳаси)* | 5230200 | |
| 7. | **Мутахассислик:** | Менежмент *(хизматлар соҳаси)* | | 5А230201 |
| 8. | **Таълим йўналиши:** | Молия | 5230600 | |
| 9. | **Мутахассислик:** | Давлат молиясини бошқариш | | 5А230601 |
| 10. | | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори *(соҳалар бўйича)* | | 5А230602 |
| 11. | | Инвестицияларни бошқариш *(тармоқ ва соҳалар бўйича)* | | 5А230603 |
| 12. | | Халқаро молия | | 5А230604 |
| 13. | **Таълим йўналиши:** | Банк иши | 5230700 | |
| 14. | **Мутахассислик:** | Банк иши *(фаолият турлари бўйича)* | | 5А230701 |
| 15. | **Мутахассислик:** | Банк ҳисоби ва аудит | | 5А230702 |
| 16. | **Таълим йўналиши:** | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(тармоқлар бўйича)* | 5230900 | |
| 17. | **Таълим йўналиши:** | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит *(темир йўл транспорти)* | 5230900 | |
| 18. | **Мутахассислик:** | Бухгалтерия ҳисоби *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230901 |
| 19. | | Бухгалтерия ҳисоби *(темир йўл транспорти)* | | 5А230901 |
| 20. | | Аудит *(тармоқлар ва соҳалар бўйича)* | | 5А230902 |
| 21. | | Бюджет ҳисоби ва назорати | | 5А230903 |
| 22. | **Таълим йўналиши:** | Суғурта иши | 5231200 | |
| 23. | **Мутахассислик:** | Суғурта иши | | 5А231201 |
| 24. | **Таълим йўналиши:** | Пенсия иши | 5231300 | |
| 25. | **Мутахассислик:** | Пенсия иши | | 5А231301 |
| 26. | **Таълим йўналиши:** | Баҳолаш иши | 5231500 | |
| 27. | **Мутахассислик:** | Баҳолаш иши ва риэлторлик *(объектлар бўйича)* | | 5А231501 |
| 28. | **Таълим йўналиши:** | Давлат бюджетининг ғазна ижроси | 5232000 | |
| | ***Жами: 28 та (Бак.: 13 та, Маг.: 14 та)*** | | | |

**ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари вакилларини ҳамда кадрлар истеъмолчиларини жалб этган ҳолда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сонли қарори меъёрлари ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3.Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида кўрсатилган фанларнинг услубий таъминоти ўрганилиб чиқилсин.

4. Малака талаблари ва ўқув режалари охирги лойиҳаларини ишлаб чиқишда шунингдек фанларнинг услубий таъминотини яратишда экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар инобатга олинсин.

5.Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлатишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашиига тақдим этилсин.

**Ўқув-услубий бирлашма раиси** **проф. М.Р.Болтабаев**

**Бирлашма котиби** **Ғ.Э.Захидов**

| "Молия" таълим йўналиши ўқув режаси хориж тажрибаси билан солиштирма таҳлили | | | |
|---|---|---|---|
| **Тошкент молия институти (Ўзбекистон)** | | **Solbridge Business School (S.Korea)**<br>**Бизнес школа Солбридж (Ю.Корея)**<br>**Солбридж бизнес мактаби (Жанубий Корея)** | **Тошкент молия институти (Ўзбекистон)** |
| Бакалавр - молия (олдинги) | | Бакалавр - бизнес (Молия) | Бакалавр - Молия (янги) |
| 7452 часов (за 4 года) | | 4200 часов (за 4 года) | 7452 часов (за 4 года) |
| | www.tfi.uz | www.solbridge.ac.kr | www.tfi.uz |
| № | **Фан** | **Фан** | **Фан** |
| **Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар** | | | |
| 1=12 | Предметы первого блока | - | Биринчи блог фанлари |
| **Математика ва табиий-илмий фанлар** | | | |
| 13 | Олий математика | - | Иктисодчилар учун математика |
| | | | Иктисодий математика |
| 14 | Иктисодий математика | Quantitative Methods<br>Количественные методы | Эконометрика асослари |
| 15 | Информатика ва ахборот технологиялари | Application of Information Technology<br>Применение информационных технологий | Информацион-коммуникацион технологиялар |
| 16 | Иктисодий география ва экология | - | - |
| | | | Молия математикаси |
| **Умумкасбий фанлар** | | | |
| 18 | Иктисодиет назарияси | - | Иктисодиет назарияси |
| 19 | Миллий ва жахон иктисодиети | - | - |
| 20 | Микроиктисодиёт | Introduction to Microeconomics<br>Введение в микроэкономику | Микроэкономика |
| 21 | Макроиктисодиёт | Introduction to Macroeconomics<br>Введение в макроэкономику | Макроэкономика |
| 22 | Статистика | Basic Statistical Methods and Applications<br>Основные статистические методы и приложения | Статистика |
| 23 | Инвестиция | - | Инвестиции |
| 24 | Менеджмент, Маркетинг | Principles of Marketing Основы маркетинга | Менеджмент |
| | | | Маркетинг |
| 25 | Молия бозори | Financial Markets and Institutions<br>Финансовые рынки и институты | Молия бозори |
| 26 | Молиявий менежмент | - | - |
| 27 | Соликлар ва соликка тортиш | - | Соликлар ва соликка тортиш |
| 28 | Бюджет хисоби | - | Бюджет хисоби |
| 29 | Сугурта иши | - | Сугурта назарияси ва амалиети |
| 30 | Иктисодий тахлил | - | Молиявий тахлил |
| 31 | Аудит | - | - |
| 32 | Бухгалтерия хисоби | Introduction to Accounting<br>Введение в бухгалтерский учет | - |
| 33 | Пул, кредит ва банклар | - | Пул ва банклар |
| 34 | Давлат хариди | - | - |
| 35 | Корпоратив молия | Introduction to Corporate Finance<br>Введение в корпоративных финансов | Корпоратив молия. |
| 36 | Иктисодий таълимотлар тарихи | - | Иктисодий таълимотлар тарихи |
| | | | Академик ёзув ва нотиклик |
| | | | Молиявий ва бошкарув хисоби |
| | | | |
| **Специальные дисциплины** | | | |
| 37 | Молия | - | Молия |
| 38 | Халкаро молия муносабатлари | - | Халкаро молия муносабатлари |
| 39 | Давлат бюджети | - | Давлат молияси |
| | | | Бизнес молияси |
| 40 | Молиявий назорат | - | Молиявий назорат |
| **Дополнительные дисциплины** | | | |
| 41=45 | Кўшимча фанлар | | Дополнительные дисциплины |
| **Курсы по выбору** | | | |
| 46=52 | | | |

| Комментарии | | | |
|---|---|---|---|
| | Обучение длится 4 года. Общее количество часов 7452 | Обучение длится 3 года (у студента есть возможность годичной практики на производстве или за рубежом в этом случаи 4 года). В среднем 1050 часов общего обучения в год.<br><br>Ўқитиш муддати - 3 йил (талаба 1 йиллик ишлаб чиқаришда еки чет элда амалиет ўташ имконияти мавжуд, бу ҳолда ўқитиш муддати - 4 йил). Йилига ўртача 1050 соат умумий ўқитиш соатлари. | Обучение длится 4 года. Общее количество часов 7452<br><br>Ўқитиш муддати - 4 йил. Умуман соатлар миқдори - 7452 соат |
| | В Узбекистане образование по направлению "Финансы" в бакалавриате в основном представлено изучением государственных финансов и корпоративных финансов. | Международная бизнес-школа Солбридж при Университете Вусонг (Южная Корея) специализируется в основном на образовании по управлению бизнесом, с акцентом на корпоративные финансы и финансовые рынки<br><br>Вусонг университети қошидаги Солбридж халқаро бизнес-мактаби (Жанубий Корея) асосан бизнес бошқарув бўйича ўқитишга мутахассислашган ва бунда корпоратив молия ва молия бозорларига урғу беради | Заменяемые предметы помогут расширить спектр изучения финансов, т.е. кроме государственных и корпоративных финансов, также будут более глубоко изучаться теория и практика финансовых рынков, институтов, а также сектор финансовых услуг в целом.<br><br>Алмаштирилаётган фанлар молияни ўрганиш доирасини кенгайтиришга имкон яратади, яъни давлат ва корпоратив молиядан ташқари, молия бозорларининг назарияси ва амалиети, молия бозори институтлари ва умуман молия хизматлари тармоғи чуқуррок ўрганилади. |

**Предложения:**

***По второму блоку:***

1. Изменить предмет «Высшая
2. Изменить предмет «Экономическая
3. Изменить предмет «Информатика и информационные технологии» на предмет
4. Исключить из учебного плана предмет «Экономическая география и экология»

**По третьему блоку:**

1. Разделить предмет "Менеджмент. Маркетинг" на "Менеджмент" и "Маркетинг".
2. Исключить из учебного плана «Национальная и мировая экономика» (будет обучатся в
3. Включить новые предметы "Академическое письмо". "Финансовый учет".

**По четвертому блоку:**

1. Изменить предметы «Государственный бюджет» на «Государственные финансы».
2. Включить новый предмет "Финансы бизнеса".

**Кафедра мудири К.Шарифходжаева**

"Молия" таълим йўналиши ўкув режаси хориж тажрибаси билан солиштирма таҳлили

| Тошкент молия институти (Ўзбекистон) | | Ritsumeikan Asia Pacific University (Japan) Азиатско-Тихоокеанский университет Рицумейкан (Япония) Рицумейкан Осиё-Тинчокеани университети (Япония) | Тошкент молия институти (Ўзбекистон) |
|---|---|---|---|
| Бакалавр - молия (олдинги) | | Бакалавр - молия | Бакалавр - финансы (янги) |
| 7452 часов (за 4 года) | | 4400 часов (за 3 года) | 7452 часов (за 4 года) |
| | www.tfi.uz | http://www.apu.ac.jp/ | www.tfi.uz |
| № | Фан | Фан | Фан |
| **Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар** | | | |
| 1-12 | Предметы первого блока | - | Биринчи блог фанлари |
| **Математика ва табиий-илмий фанлар** | | | |
| 13 | Олий математика | Fundamental Mathematics Фундаментальная математика | Иктисодчилар учун математика |
| | | | Иктисодий математика |
| 14 | Иктисодий математика | Business Mathematics Бизнес-математика | Эконометрика асослари |
| 15 | Информатика ва ахборот технологиялари | Computer Literacy; Internet Technology Integration Компьютерная грамотность; Интеграция интернет технологии | Информацион-коммуникацион технологиялар |
| 16 | Иктисодий география ва экология | - | - |
| | | | Молия математикаси |
| **Умумкасбий фанлар** | | | |
| 18 | Иктисодиет назарияси | - | Иктисодиет назарияси |
| 19 | Миллий ва жахон иктисодиети | - | - |
| 20 | Микроиктисодиет | Microeconomics Микроэкономика | Микроэкономика |
| 21 | Макроиктисодиет | Macroeconomics Макроэкономика | Макроэкономика |
| 22 | Статистика | Statistics Статистика | Статистика |
| 23 | Инвестиция | - | Инвестиции |
| 24 | Менеджмент. Маркетинг | Introduction to Management Введение в управление | Менеджмент |
| | | Principles of Marketing Принципы маркетинга | Маркетинг |
| 25 | Молия бозори | Financial Markets and Institutions Финансовые рынки и институты | Молия бозори |
| 26 | Молиявий менежмент | - | - |
| 27 | Солиқлар ва солиқка тортиш | - | Солиқлар ва солиқка тортиш |
| 28 | Бюджет хисоби | - | Бюджет хисоби |
| 29 | Сугурта иши | - | Сугурта назарияси ва амалиети |
| 30 | Иктисодий таҳлил | - | Молиявий таҳлил |
| 31 | Аудит | - | - |
| 32 | Бухгалтерия хисоби | Accounting Бухгалтерский учет | - |
| 33 | Пул, кредит ва банклар | - | Пул ва банклар |
| 34 | Давлат хариди | - | - |
| 35 | Корпоратив молия | Corporate Finance Корпоративные финансы | Корпоратив молия |
| 36 | Иктисодий таълимотлар тарихи | - | Иктисодий таълимотлар тарихи |
| | | | Академик ёзув ва нотиклик |
| | | | Молиявий ва бошқарув хисоби |
| | | | |
| **Специальные дисциплины** | | | |
| 37 | Молия | Finance Финансы | Молия |
| 38 | Халкаро молия муносабатлари | International Finance Международные финансы | Халкаро молия муносабатлари |
| 39 | Давлат бюджети | - | Давлат молияси |
| | | | Бизнес молияси |
| 40 | Молиявий назорат | - | Молиявий назорат |
| **Дополнительные дисциплины** | | | |
| 41-45 | Қўшимча фанлар | | Дополнительные дисциплины |
| **Курсы по выбору** | | | |
| 46-52 | | | |

| Комментарии | | | |
|---|---|---|---|
| | Обучение длится 4 года. Общее количество часов 7452 | Обучение длится 3 года (у студента есть возможность годичной практики на производстве или за рубежом в этом случаи 4 года). В среднем 1800 часов общего обучения в год.<br><br>Ўқитиш муддати - 3 йил (талаба 1 йиллик ишлаб чиқаришда ёки чет элда амалиёт ўташ имконияти мавжуд, бу ҳолда ўқитиш муддати - 4 йил). Йилига ўртача 1800 соат умумий ўқитиш соатлари. | Обучение длится 4 года.<br>Общее количество часов 7452<br><br>Ўқитиш муддати - 4 йил. Умуман соатлар миқдори - 7452 соат |
| | В Узбекистане образование по направлению "Финансы" в бакалавриате в основном представлено изучением государственных финансов и корпоративных финансов. | Университет Рицумейкан (Япония) в основном делает упор на изучении корпоративных финансов и экономики.<br><br>Рицумейкан университети (Япония) асосан корпоратив молия ҳамда иқтисодиётни ўрганишга урғу беради | Заменяемые предметы помогут расширить спектр изучения финансов, т.е. кроме государственных и корпоративных финансов, также будут более глубоко изучаться теория и практика финансовых рынков, институтов, а также сектор финансовых услуг в целом.<br><br>Алмаштирилаётган фанлар молияни ўрганиш доирасини кенгайтиришга имкон яратади, яъни давлат ва корпоратив молиядан ташқари, молия бозорларининг назарияси ва амалиёти, молия бозори институтлари ва умуман молия хизматлари гармоги чуқуррок ўрганилади. |

**Предложения:**

**По второму блоку:**

1. Изменить предмет «Высшая
2. Изменить предмет «Экономическая
3. Изменить предмет «Информатика и информационные технологии» на предмет «Информационные технологии в финансах».
4. Исключить из учебного плана предмет «Экономическая география и экология»

**По третьему блоку:**

1. Разделить предмет "Менеджмент. Маркетинг" на "Менеджмент" и "Маркетинг". Изменить предметы «Налоги и
2. Исключить из учебного плана «Национальная и мировая экономика» (будет обучатся в предмете «Экономическая теория»).
3. Включить новые предметы "Академическое письмо", "Финансовый учет", "Управленческий учет"

**По четвертому блоку:**

1. Изменить предметы «Государственный бюджет» на «Государственные финансы».
2. Включить новый предмет "Финансы бизнеса".

***Кафедра мудири*** ***К.Шарифходжаева***

"Молия" таълим йўналиши ўқув режаси хориж тажрибаси билан солиштирма таҳлили

| | *Тошкент молия институти (Ўзбекистон)* | **Management Development Institute of *Singapore (Singapore)* *Сингапурский Институт Развития Менеджмента (Сингапур)* Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур)** | ***Тошкент молия институти (Ўзбекистон)*** |
|---|---|---|---|
| Бакалавр - молия (олдинги) | | Бакалавр - молия | Бакалавр - финансы (янги) |
| 7452 часов (за 4 года) | | 4200 часов (за 3 года) | 7452 часов (за 4 года) |
| | www.tfi.uz | www.mdis.edu.sg | www.tfi.uz |
| № | **Фан** | **Фан** | **Фан** |
| **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** | | | |
| 1=12 | Предметы первого блока | - | Биринчи блог фанлари |
| **Математика ва табиий-илмий фанлар** | | | |
| 13 | Олий математика | - | Иқтисодчилар учун математика |
| | | | Иқтисодий математика |
| 14 | Иқтисодий математика | Quantitative Methods Количественные методы | Эконометрика асослари |
| 15 | Информатика ва ахборот технологиялари | Business Information systems Информационные системы в бизнесе | Информацион-коммуникацион технологиялар |
| 16 | Иқтисодий география ва экология | - | - |
| | | | Молия математикаси |
| **Умумкасбий фанлар** | | | |
| 18 | Иқтисодиет назарияси | Introduction to Economics Иқтисодиётга кириш | Иқтисодиет назарияси |
| 19 | Миллий ва жаҳон иқтисодиёти | - | - |
| 20 | Микроиқтисодиет | - | Микроэкономика |
| 21 | Макроиқтисодиёт | Macroeconomics Макроэкономика | Макроэкономика |
| 22 | Статистика | Statistical Methods Статистические методы | Статистика |
| 23 | Инвестиция | Investments Инвестиции | Инвестиции |
| 24 | Менеджмент. Маркетинг | Introduction to Business and Management Введение в бизнес и менеджмент | Менеджмент |
| | | Introduction to Marketing Введение в маркетинг | Маркетинг |
| 25 | Молия бозори | Financial Markets and Institutions Финансовые рынки и институты | Молия бозори |
| 26 | Молиявий менежмент | - | - |
| 27 | Солиқлар ва солиққа тортиш | - | Солиқлар ва солиққа тортиш |
| 28 | Бюджет ҳисоби | - | Бюджет ҳисоби |
| 29 | Суғурта иши | - | Суғурта назарияси ва амалиёти |
| 30 | Иқтисодий таҳлил | - | Молиявий таҳлил |
| 31 | Аудит | - | - |
| 32 | Бухгалтерия ҳисоби | - | - |
| 33 | Пул, кредит ва банклар | Money and Banking Деньги и банковское дело | Пул ва банклар |
| 34 | Давлат харидн | - | - |
| 35 | Корпоратив молия | Advanced Corporate Finance Продвинутый курс корпоративных финансов | Корпоратив молия |
| 36 | Иқтисодий таълимотлар тарихи | - | Иқтисодий таълимотлар тарихи |
| | | | Академик ёзув ва нотиқлик |
| | | | Молиявий ва бошқарув ҳисоби |
| | | | |
| **Специальные дисциплины** | | | |
| 37 | Молия | Finance Финансы | Молия |
| 38 | Халқаро молия муносабатлари | International Economics and Finance Международная экономика и финансы | Халқаро молия муносабатлари |
| 39 | Давлат бюджети | - | Давлат молияси |
| | | | Бизнес молияси |
| 40 | Молиявий назорат | - | Молиявий назорат |
| **Дополнительные дисциплины** | | | |
| 41=45 | Қўшимча фанлар | | Дополнительные дисциплины |
| **Курсы по выбору** | | | |
| 46=52 | | | |

| Комментарии | | | |
|---|---|---|---|
| | Обучение длится 4 года. Общее количество часов 7452 | Обучение длится 3 года. В среднем 1800 часов специальных предметов.<br><br>Ўкитиш муддати - 3 йил. Ўртача 1800 соат махсус фанлар. | Обучение длится 4 года. Общее количество часов 7452<br><br>Ўкитиш муддати - 4 йил. Умуман соатлар микдори - 7452 соат |
| | В Узбекистане образование по направлению "Финансы" в бакалавриате в основном представлено изучением государственных финансов и корпоративных финансов. | Институт Развития Менеджмента Сингапура при обучение делает больше упор на финансовый менеджмент. Дает возможность изучить теорию и практику финансовых услуг и финансовых рынков, и анализировать роль финансового сектора в национальных и глобальной экономиках.<br><br>Сингапур менежментни ривожлантириш институти ўкитишда молиявий менежментга урғу беради. Молия бозорлари ва молиявий хизматлар назария ва амалиёти ўрганишга ва миллий ва глобал иктисодиетларда молия тармоғининг ўрнини таҳлил килишга имконият беради. | Заменяемые предметы помогут расширить спектр изучения финансов, т.е. кроме государственных и корпоративных финансов, также будут более глубоко изучаться теория и практика финансовых рынков, институтов, а также сектор финансовых услуг в целом.<br><br>Алмаштирилаётган фанлар молияни ўрганиш доирасини кенгайтиришга имкон яратади, яъни давлат ва корпоратив молиядан ташқари, молия бозорларининг назарияси ва амалиети, молия бозори институтлари ва умуман молия хизматлари тармоғи чукуррок ўрганилади. |

**Предложения:**

**По второму блоку:**

1. Изменить предмет «Высшая
2. Изменить предмет
3. Изменить предмет «Информатика
4. Исключить из учебного плана

**По третьему блоку:**

1. Разделить предмет "Менеджмент. Маркетинг" на "Менеджмент" и
2. Исключить из учебного плана «Национальная и мировая экономика» (будет
3. Включить новые предметы "Академическое письмо", "Финансовый учет",

**По четвертому блоку:**

1. Изменить предметы «Государственный бюджет» на «Государственные
2. Включить новый предмет "Финансы бизнеса".

**Кафедра мудири _____ К.Шарифходжаева**

| "Молия" таълим йўналиши ўкув режаси хориж тажрибаси билан солиштирма тахлили | | | |
|---|---|---|---|
| Тошкент молия институти (Ўзбекистон) | | University of Sunderland (United Kingdom) Университет Сандерленда (Великобритания) Сандерленд университети (Буюк Британия) | Тошкент молия институти (Ўзбекистон) |
| Бакалавр - молия (олдинги) | | Бакалавр - молия | Бакалавр - финансы (янги) |
| 7452 часов (за 4 года) | | 3600 часов (за 3 года) | 7452 часов (за 4 года) |
| | www.tfi.uz | http://www.sunderland.ac.uk/ | www.tfi.uz |
| № | **Фан** | **Фан** | **Фан** |
| **Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар** | | | |
| 1=12 | Предметы первого блока | - | *Биринчи блог фанлари* |
| **Математика ва табиий-илмий фанлар** | | | |
| 13 | Олий математика | - | Иктисодчилар учун математика |
| | | | Иктисодий математика |
| 14 | Иктисодий математика | Quantitative Methods for Business Количественные методы в бизнесе | Эконометрика асослари |
| 15 | Информатика ва ахборот технологиялари | - | Информацион-коммуникацион технологиялар |
| 16 | Иктисодий география ва экология | - | - |
| | | | Молия математикаси |
| **Умумкасбий фанлар** | | | |
| 18 | Иктисодиет назарияси | Economics | Иктисодиёт назарияси |
| 19 | Миллий ва жахон иктисодиёти | - | - |
| 20 | Микроиктисодиёт | - | Микроэкономика |
| 21 | Макроиктисодиет | - | Макроэкономика |
| 22 | Статистика | - | Статистика |
| 23 | Инвестиция | - | Инвестиции |
| 24 | Менеджмент, Маркетинг | Business Management Управление бизнесом | Менеджмент |
| | | - | Маркетинг |
| 25 | Молия бозори | - | Молия бозори |
| 26 | Молиявий менежмент | Financial Management Финансовый менеджмент | - |
| 27 | Солиқлар ва солиқка тортиш | Business Taxation *Налогообложение в бизнесе* | Солиқлар ва солиқка тортиш |
| 28 | Бюджет хисоби | - | Бюджет хисоби |
| 29 | Суғурта иши | - | Суғурта назарияси ва амалиёти |
| 30 | Иктисодий тахлил | International Financial Reporting Международная финансовая отчетность | Молиявий тахлил |
| 31 | Аудит | - | - |
| 32 | Бухгалтерия хисоби | - | - |
| 33 | Пул, кредит ва банклар | - | Пул ва банклар |
| 34 | Давлат хариди | - | - |
| 35 | Корпоратив молия | Business Finance Финансы предприятий | Корпоратив молия |
| 36 | Иктисодий таълимотлар тарихи | - | Иктисодий таълимотлар тарихи |
| | | | Академик ёзув ва нотиклик |
| | | | Молиявий ва бошқарув хисоби |
| | | | |
| **Специальные дисциплины** | | | |
| 37 | Молия | - | Молия |
| 38 | Халкаро молия муносабатлари | - | Халкаро молия муносабатлари |
| 39 | Давлат бюджети | - | Давлат молияси |
| | | | Бизнес молияси |
| 40 | Молиявий назорат | - | Молиявий назорат |
| **Дополнительные дисциплины** | | | |
| 41=45 | Қўшимча фанлар | | Дополнительные дисциплины |
| **Курсы по выбору** | | | |
| 46=52 | | | |

| Комментарии | | | |
|---|---|---|---|
| | Обучение длится 4 года.<br>Общее количество часов 7452 | Обучение длится 3 года.<br>В среднем 1050 часов общего обучения в год.<br><br>Ўқитиш муддати - 3 йил. Йилига ўртача 1050 соат умумий ўқитиш соатлари. | Обучение длится 4 года.<br>Общее количество часов 7452<br><br>Ўқитиш муддати - 4 йил. Умуман соатлар миқдори - 7452 соат |
| | В Узбекистане образование по направлению "Финансы" в бакалавриате в основном представлено изучением государственных финансов и корпоративных финансов. | Университет Сандерленда (Великобритания) по направлению "Финансы" предлагает изучение бухгалтерского учета и корпоративных финансов<br><br>Сандерленд университети (Буюк Британия) "Молия" йўналиши бўйича бухгалтерия хисоби ва корпоратив молияни ўрганишни таклиф этади. | Заменяемые предметы помогут расширить спектр изучения финансов, т.е. кроме государственных и корпоративных финансов, также будут более глубоко изучаться теория и практика финансовых рынков, институтов, а также сектор финансовых услуг в целом.<br><br>Алмаштирилаетган фанлар молияни ўрганиш доирасини кенгайтиришга имкон яратади, яъни давлат ва корпоратив молиядан ташқари, молия бозорларининг назарияси ва амалиёти, молия бозори институтлари ва умуман молия хизматлари тармоғи чуқурроқ ўрганилади. |

**Предложения:**

**По второму блоку:**

1. Изменить предмет «Высшая
2. Изменить предмет «Экономическая
3. Изменить предмет «Информатика и
4. Исключить из учебного плана предмет

**По третьему блоку:**

1. Разделить предмет "Менеджмент. Маркетинг" на "Менеджмент" и "Маркетинг". Изменить
2. Исключить из учебного плана «Национальная и мировая экономика» (будет обучатся в
3. Включить новые предметы "Академическое письмо", "Финансовый учет",

**По четвертому блоку:**

1. Изменить предметы «Государственный бюджет» на «Государственные финансы».
2. Включить новый предмет "Финансы бизнеса".

**Кафедра мудири К.Шарифходжаева**

| № | Название предмета | Название местной существующей литературы, автор, год | На сколько процентов существующая литература отвечает современым требования (%) | Аналог существующей литературы в мире | Потребность в приобритении литературы | Потребность в написании новой литературы |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Финансы | Молия А.В. Вахабов, Т.С. Маликов, 2011 | 20% | The Basics of Finance: An Introduction to Financial Markets, Business Finance, and Portfolio Management by Pamela Peterson Drake, Frank J. Fabozzi, 2010 | 100% | 100% |
| | | Молия: умуназарий масалалар. Вахабов А., Маликов Т., 2008 | 20% | Finance: Applications and Theory by Marcia Cornett and Troy Adair, 2014 | 100% | 100% |
| | | Молия: умумдавлат молияси. Т.С Маликов, Н.Х. Хайдаров, 2009 | 20% | Intermediate Financial Theory, Third Edition by Jean-Pierre Danthine and John B. Donaldson, 2014 | 85% | 100% |
| 2 | Международные финансовые отношения | Халкаро молия муносабатлари. Ж. Х. Атаниязов, Э.Д. Алимардонов, 2014 | 80% | Fundamentals of Multinational Finance, Global 5th Edition by Michael Moffett, Arthur Stonehill, David Eiteman, 2015 | 100% | 100% |
| | | Халкаро молия муносабатлари. А.Вахобов, Н.Жумаев, У.Бурханов, 2003 | 60% | International Finance: Theory and Policy, 10th editon by Paul R. Krugman, Maurice Obstfeld, Marc Melitz, 2014 | 100% | 100% |
| | | Халкаро молиявий муносабат асослари. С. Ғуломов, Ю. Додобаев, 2005 | 50% | International Finance, 4th edition by Keith Pilbeam, 2013 | 100% | 100% |
| | | | | International Finance: Transactions, Policy and Regulation, 20th Edition by Scott, H. & Gelpern, A., 2014 | 100% | 100% |
| 3 | Государственные финансы | Молия: умумдавлат молияси Т.С. Маликов, Н.Х. Хайдаров, 2009 | 50% | Public Finance, 10th edition by Harvey Rosen, Ted Gayer, 2014 | 100% | 100% |
| | | Молия А.В. Вахабов, Т.С. Маликов, 2011 | 40% | Public Finance and Public Policy 5th Edition by Jonathan Gruber, 2015 | 100% | 100% |
| | | Молия : умуназарий масалалар Вахабов А., Маликов Т., 2008 | 40% | Public Finance: A Contemporary Application of Theory to Policy 11th Edition by David N. Hyman, 2013 | 100% | 100% |
| | | Государственный бюджет. А.В. Вахабов, З.Х. Срожиддинова, 2007 | 10% | | | |
| | | Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Г.А Қосимова, 2008 | 10% | State and Local Public Finance 4th Edition by Ronald C. Fisher, 2015 | 100% | 100% |
| 4 | Финансовый контроль | Молиявий назорат. В.Ш. Нуритдинова, М.А Шарапова, 2014 | 50% | - | - | 100% |
| 5 | Корпоративные финансы | Корпоратив молия. С. Элмирзаев, 2015 | 75% | Fundamentals of Corporate Finance, 11th Edition by Stephen Ross and Randolph Westerfield, 2015 | 100% | 100% |
| | | | | Corporate Finance: An Introduction by Ivo Welch, 2008 | 100% | 100% |
| | | Корпоративные финансы. Х.Курбонов, 2008 | 55% | Fundamentals of Corporate Finance by Jonathan Berk and Peter DeMarzo, 2014 | 100% | 100% |
| | | Молия хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Т.С. Маликов, 2010 | 20% | Principles of Corporate Finance by Richard Brealey and Stewart Myers, 2013 | 100% | 100% |
| 6 | Финансовые рынки | Молия бозори ва кимматли когозлар Ш.Ш. Шохазамий, 2012 | 40% | Financial Markets and Institutions 8th edition by Frederic S. Mishkin, Stanley Eakins, 2014 | 100% | 100% |
| | | Молия бозори ва биржа иши К.З. Хомитов, Ф.Т Мухамедов, 2009 | 40% | Financial Institutions, Markets, and Money, 11th Edition by David S. Kidwell, David W. Blackwell, David A. Whidbee, Richard W. Sias, 2011 | 100% | 100% |
| | | | | Financial Markets and Institutions 11th Edition by Jeff Madura, 2014 | 100% | 100% |

Кафедра мудири К.Шарифходжаева

**Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган**
***5230600 – "Молия"* таълим йўналишининг малака талабларига**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1. Мазкур *5230600- "Молия"* таълим йўналишининг малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади, вазифалари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Малака талаблари таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чикариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, таълим-тарбияга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мукаммал амалга оширилишига қаратилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори, Вазирликнинг 2016 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида"ги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридаги 14-бандининг ва 2016 йил 1 мартдаги "Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўқув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида"ги 89-сонли буйруғи ижросини таъминлаш асосида ишлаб чиқилган

2. Малака талаблари дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари, шу жумладан: таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи; таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви; таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобга олинди.

3. Малака талаблари асосида таълим олувчиларда аудит соҳасида чуқур билим, ижодий қобилиятни намоён этиш, мустақил фикрлаш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

4. Мазкур *5230600- "Молия"* таълим йўналишининг малака талаблари халқаро тажриба, кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий ишланмаларни яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувваш, фаннинг ривожланиш даражаси ва илғор ютуқлари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар, олий таълимни ривожлантиришнинг жаҳон тенденцияси, жумладан, мазкур малака талаблари ва ўқув режалари Яиония (National Graduate Institute for Policy Studies), Жанубий Корея (Yonsei University), Германия (Frankfurt School of Finance & Management) АҚШ (Harvard Kennedy school) каби ривожланган мамлакатларнинг магистратура мутахассисликлари билан қиёсий таққослаш асосида ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган.

5. Таълим турлари ва босқичлари бўйича мутахассислик малака талаблари нинг келишилганлиги ва изчиллиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди. Хусусан, *5230600- "Молия"* таълим йўналиши учун малака талаблари ва ўқув режаларида кадрлар истеъмолчилари сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Тошкент шахар молия Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг таклифлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

6. Ўқув юкламаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш; таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдаи таъминлаш ҳисобга олинди.

7.Таълим олувчиларни тайёрлашда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш, таълим фаолиятининг

сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

8. Малака талаблари нинг технологиклиги – унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, Мазкур *5230600- “Молия”* таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

9.Мазкур *5230600- “Молия”* таълим йўналишининг малака талабларига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти (фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграцияни таъминлаш, таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш) фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

10.*5230600- “Молия”* таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими ва “Иқтисод” таълим сохасининг Давлат таълим стандарти (Ўзстандарт агентлиги, 30.10.2015 й, № 5927) қоидалари талабларига, шу жумладан, стандартлаштиришнинг асосий мақсадларига, республикада стандартлашга доир ишларни мақбул даражада ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш функциясига, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талабларига тўлиқ мос келади.

**“Молия” кафедраси мудири** **и.ф.и., К.Шарифходжаева**